# ЎҚУВ ДАСТУР ПАСПОРТИ

*Ўқув дастур узлуксиз тиббий ва фармацевтик таълим мувофиқлаштирувчи кенгашнинг _2024 йил 06 июлдаги №IXT-787-2024 сон билан рўйхатга олинган ва тасдиқланган.*

*Амал қилиш муддати 2027 йил гача*

<table>
<tr><td colspan="2">Таълим муассасаси номи</td><td colspan="2">Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш маркази</td></tr>
<tr><td colspan="2">Кафедра/ бўлим</td><td colspan="2">Халқ табобати</td></tr>
<tr><td colspan="2">Ўқув дастур номи</td><td colspan="2">«Иглорефлексотерапия»</td></tr>
<tr><td colspan="2">Ўқиш тури</td><td colspan="2">Ихтисослаштириш</td></tr>
<tr><td colspan="2">Ўқув дастур муаллифи/ муаллифлари</td><td colspan="2">Эргашева Н.О., Дадаев Х.А., Эргашев О.Р.</td></tr>
<tr><td colspan="2">Циклнинг умумий соати</td><td colspan="2">504 кредит</td></tr>
<tr><td colspan="4">Циклда дарс берадиган ўқитувчи ва тренерлар</td></tr>
<tr><td><br>т.ф.д., доцент Эргашева Н.О.</td><td colspan="2"><br>т.ф.н, Дадаев Х.А.</td><td><br>Эргашев О.Р.</td></tr>
<tr><td colspan="2">Мақсад</td><td colspan="2">Иглорефлексотерапия бўйича профессионал компетенцияларини такомиллаштириш асосида, касалликларни олдини олишда ва даволашда иглорефлексотерапия усулини қўллаш, амбулатор ва стационар шароитида касалликларни ташхислаш ва турли усуллари билан реабилитация қилиш, бемор хаётига хавф солувчи холатларда шошилинч ёрдам кўрсатиш, профилактик тадбирлар мажмуасини амалга ошириш бўйича назарий билим ва амалий кўникмаларини шакллантириш ва иглорефлексотерапия усулини тўлиқ эгаллаган Иглорефлексотерапевт мутахассисини тайёрлашдан иборат.</td></tr>
<tr><td colspan="2">Циклга таклиф қилинган мутахасисслар - контингент</td><td colspan="2">Неврологлар, болалар неврологлари, нейрохирурглар.</td></tr>
<tr><td colspan="2">Цикл вазифалари</td><td colspan="2">Умумий иглорефлексотерапия ва ундаги</td></tr>
</table>

| | |
|---|---|
| | турли назариялар билан танишиш. Меридианлар тушунчаси ва уларда жойлашган нуқталарни ўзлаштириш. Игна қўйиш усуллари.<br>Ло-канал тушунчаси, мушак-бўғим меридианлари, меридиандан ташқари ва “янги” нуқталар, энергетик қувват марказлари ва мўъжизавий меридианлар тўғрисида билиш.<br>Акупунктура, аурикулотерапия, су-джок терапия, магнитопунктура, акупрессура, лазеро-, термо-, электро-, фармакопунктура усулларини, У-Син назарияси бўйича унсурларни ва мизожларни ўрганиш.<br>Акупунктур диагностикасининг замонавий усулларини билиш. Иглорефлексотерапияга кўрсатма ва қарши кўрсатмаларни эгаллаган ҳолда рефлексотерапияни турли касалликларни даволашда қўллаш.<br>Хусусий рефлексотерапиядаги касалликлар бўйича стандарт даволаш рецептларини ўрганиш ва мустақил туза олиш. |
| **Цикл таркиби** | 1 модул. Ўзбекистон Республикасини ривожлантириш Концепцияси. Соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш, меъёрий ҳужжатлар. Иглорефлексотерапияни ташкил қилиш ва меъёрий ҳужжатлар<br>2 модул. Асаб тизими анатомияси, физиологияси, топографияси, клиник симптомлари ва диагностикаси<br>3 модул. Умумий рефлексотерапия<br>4 модул. Рефлексотерапия методик асоси ва акупунктур нуқталарга таъсир усуллари<br>5 модул. Меридианлар топографияси, акупунктур нуқталар ва уларни қўллашга кўрсатмалар.<br>6 модул. Меридиандан ташқари нуқталар ва уларга таъсир<br>7 модул. Акупунктура турлари<br>8 модул. Хусусий рефлексотерапия<br>9 модул. Турли тизим касалликларини даволашда стандарт нуқталар ва рецептлар<br>10 модул. Даволаш-профилактика муассасаларида иглорефлексотерапия бўйича фаолият олиб бориш назарий ва амалий асослари. |

**Ўқиш базалари:** «DONOMED» хусусий клиникаси




**Ўқув хоналари ва симуляцион асбоб/ускуналар**







